

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**Тошкент тўқимачилик ва ёнгил саноат институти**

**“Тиллар” кафедраси**

**мавзусидаги**

# **РЕФЕРАТ**

**Мавзу: “Бадиий асарларни яъни эртак ва ҳикояларни  
ифодали ўқиш методикаси ҳақида маълумот”**

**Бажарди:** Тиллар кафедраси ўқитувчиси

**А.Бекмуратова**

**Тошкент- 2016**

Бадиий адабиёт пайдо бўлиши билан унинг ифодали ўқилиши, оғзаки ижрочилиги ҳам майдонга келди. Бадиий адабиётнинг шаклланиш босқичлари ғоят мураккаб, ранг- баранг бўлгани каби, унинг оғзаки ижрочилиги тараққиёти ҳам катта тарихга эга. Масалан „Авесто”нинг яратувчилари, бора-бора унинг профессионал ижрочилирига айланиб қолган қоҳинлар тоифаси халқ орасида адиллар сифатидагина эмас, балки жонли сўз сехри билан мўжизалар кўрсатувчи мутахассислар сифатида ҳам катта эътибор қозонганлар.

Ўзбек бадиий сўз ижрочилиги санъатининг сарчашмалари тарихининг жуда узоқ қатламига бориб тақалади. Адабиётшунос олим Н.М.Маллаев таъкидлаганидек, “Бадиий сўз санъати ёзув ва ёзма адабиётдан кўп замонлар илгари оғзаки ижод шаклида пайдо бўлади, ҳамда ёзма адабиётнинг вужудга келишига замин ҳозирлайди. У оғиздан-оғизга авлоддан- авлодга, даврдан- даврга ўтади”.

Ўрта Осиёда шоирлар билан бир қаторда, уларнинг асарларини мажлис-анжуманларда кенг меҳнаткаш халқ орасида ижро этувчи санъаткорлар-ровийлар тофаси пайдо бўлади. Ровийлик ва ровийлар ҳақида тарихий манбааларда қимматли маълумотлар учрайди. Масалан: Низом Арус Самарқандий маълумотига қараганда, “Фирдавсий “Шохнома” асарини ижод этгач Али Дайлам унга хаттотлик, Абдулаф ровийлик қилди”.

Кўринадики, қадимда бадиий сўз ижрочилигининг бутун бир йўналиши, ўзига хос мактабни ташкил этувчи ровийлар тоифаси катта шон-шухрат ва ижтимоий мавқега эга бўлган. Бироқ, жамият тараққий қилиши билан ровийлик тармоқланиб, XV асрларга келганда, мустақил бадиий ижрочилик кўринишлари ва уларга мансуб ижрочилар тоифаси вояага ета бошлади.

Алишер Навоий XV асрларга келиб бадиий сўз ижрочилиги санъатининг воизлик(нотиқлик), қиссаҳонлик, бадиҳагўйлик, базлагўйлик(латифагўйлик),

достонхонлик, қасидахонлик, ғазалхонлик санъати шаклланиб етилганлиги ҳақида муфассал маълумот беради.

Ҳусай Вониз Кошифий, Муин Вониз Ҳировий, Хожа Муайяд Мехнагий, Мулла Калом Вониз Самарқандий, Қози Ўший, Мавлоно Риёзий, Баҳовиддин Валад, Жалолиддин Румий каби забардаст сўз санъаткорлари бадиий сўз ижрочилигининг бу даврида Шарқда машхур бўлган вакиллариридир.

Ўзбек бадиий сўз ижрочилиги санъатга хос бўлган бедилхонлик, навоийхонлик, фузулийхонлик, машрабхонлик билан бирга, қиссагўйлик, ҳикоягўйлик, латифагўйлик, навҳагарлик, эртакчилик, кулгили ҳикоягўйликнинг тараққиёти бу санъатнинг жуда қадимий ва бой тарихга, маълум анъанага эга эканлигини англатади.

Ўзбек педагогикаси тажрибалари, ифодали ўқишни қуи синфлардан бошлаб машқ қилишни ва уни кейинчалик аста-секин такомиллаштириб боришни тақозо этади. Бу тасодиф эмас, албатта. Чунки ифодали ўқиш санъати болаларнинг бадиий дидини шакллантирибгина қолмай, уларнинг маънавий чиниқишида, хотирасининг мустаҳкамланишида ҳам етакчи ўрин эгаллайди.

Ўтмишда шеърни тушуниб ўқишига катта эътибор берилганлигини Алишер Навоий қуидагича ифодалайди;

Ёдима мундоқ келур бир можаро

Ким туфулият чоғи мактаб аро,

Истабон ташхиси хотир устод,

Назм ўқутурким равон бўлсун савод.

Буюк шоирнинг ўзи болалик ва йигитлик пайтларидаёқ эллик минг байт, яъни юз минг мисра шеърни ёд билган ва улардан эстетик завқ олган.

Ифодали ўқиши санъатига бўлган чукур ҳурмат-эҳтиромни рус ва Европа халқлари педагогикаси тарихида ҳам яққол кузатиш мумкин.18 асрга келиб, Россияда ифодали ва бадиий ўқиши санъати театр сахналарида, адабий кечалардан кенг ўрин ола бошлаган.

ИНСОН ўқиши ва ёзишни ўргангандан кейин кимдадир қўшиқ тинглашга,кимдадир эртак ёки ривоятлар тинглашга эҳтиёж сезилади. Баъзидаги эса инсон ёлғиз қолиб куй,қўшиқ,шеър эшитгиси ёки ўзи ёқтирган қўшиқларини хиргойи қилиши,ўзи севиб ёдлаган шеърларини ифодали ўқишини истаб қолади.Бундай пайтда албатта қўшиқ,шеър сўзлари тушунарли,ифодали,ёқимли ва албатта таъсирли бўлиши керак, яъни инсон қалбини қамраб олиши керак.Бунинг учун эса ифодали ўқиши хусусиятлари ёки усуслари ҳақида маълумотга эга бўлиши лозимдир.

Айтайлик, жамоа жойларда маъруза қилиш,шеър ўқиши ёки аёлларга алла,ёр-ёр айтишга зарурат туғилиб қолса, ифодали ўқиши хусусиятларини мукаммал ўрганиб, нутқи равон ширали бўлиб, ўз фикирларини тингловчига тўғри ва изчил етказа олиши мақсадга мувофиқ бўлади.Биз ифодали ўқишининг инсон ҳаётига катта таъсири ёки ички ҳис-ҳаёжонга берилишида унинг аҳамияти ҳақида фикр билдиromoқчимиз.Биз бунинг учун насрий асарлардан бири эртак ёки халқ оғзаки ижодининг энг қадимги тури ҳақида маълумот бериб,унинг ўқилиши ҳақида қўйидаги намунани бермоқчимиз. Биз фарзандларимизга эртакларни ифодали ўқиб бериш билан бирга , эртакнинг мазмун-моҳияти, яхши ёмон томони, аҳлоқий аҳамияти ҳақида чиройли тушунча беришимиз зарур.

Эртакни ифодали ўқишдан олдин, ўзбек халқ эртакларида турли туман шаклда ишлатиладиган,анъанавий муқаддима ва хотималар мавжуд, шулардан намуна ўқиб,бир-биридан фарқлари тушунирилади.Масалан: ”Тулки билан товус” эртагининг муқаддимасини дикқат билан ўқиймиз: “Эртаги ё эртаги,эчкilarнинг буртаги,қирғовул қизил экан, қуйруғи узун экан,ғоз карнайчи экан,ўрдак сурнайчи экан,ола қарға аzonчи,қора қарға

қозончи,чумчук чақимчи экан, түргай түқимчи экан, бўри баковул экан, тулки ясовул экан, эртагимизнинг эри бор, етти кунлик ери бор, етти кунлик ерида думи калта бўри бор.....”

“ Ойпари” эртагининг муқаддимаси ундан фарқ қиласди:”Бор эканда,йўқ экан,оч эканда тўқ экан, ўтган замонларнинг бирида Ҳусайнбой исмли камбағал бир бечора йигит бўлган экан, унинг ётарга уйи, турарга жойи ҳам йўқ экан.

Эътибор бериб ўқисак иккала эртакнинг муқаддимаси бошқа-бошқа ўқилишини сезиш қийин эмас.

Намуна сифатида битта эртакнинг яъни “Уч оға – ини ботирлар” эртагининг ифодали ўқилишини намуна сифатида берамиз.

“Бир бор экан(қисқа пауза),бир йўқ экан(қисқа пауза),қадим замонда ( пауза) бир киши бўлган экан( пауза)Унинг учта ўғли бор экан(қисқа пауза), Учови ҳам ўқиган(қисқа пауза),оқ-қорани таниган(қисқа пауза),юзлари ойдай (қисқа пауза),ўзлари тойдай(қисқа пауза),ёмон билан юрмаган(қисқа пауза), Ёмон жойда турмаган экан( пауза). Тўнғичи –йигирма бир ёшда(қисқа пауза),ўртанчаси-ўн саккиз ёшда(қисқа пауза),кенжаси –ўн олти ёшда экан( пауза)”.

Тўнғичи,ўртанчаси ва кенжаси каби сўзларни ўқиётганда мантиқий урғу берилади, бу сўзлардан сўнг тире бўлганлиги учун қисқа бир пауза қилинади. “Ота (қисқа пауза), бир куни буларни олдига чақириб (қисқа пауза),хар бирнинг пешонасидан силаб(кичик пауза),бундай дебди( пауза):

Ўғилларим(қисқа пауза),мен бой эмасман(қисқа пауза),мен бой эмасман(қисқа пауза), мендан қолган нарсалар(қисқа пауза),сизнинг турмушингиз учун етмайди(қисқа пауза),энди мендан бирор нарса умид қилиб ўтирунглар( пауза). Ўлганимдан кейин баҳтсиз бўлиб

қолманглар(қисқа пауза),деб сизларни ўқитдим(қисқа пауза),боқдим-кўрдим(қисқа пауза),вояга етказдим(қисқа пауза),қувватли бўлдингизлар(қисқа пауза), яроқ ушлашни ўргатдим(қисқа пауза),яроқ ишлатишга уста бўлдингизлар(қисқа пауза),қўрқитмай ўстирдим(қисқа пауза),ботир бўлдингизлар( пауза).Яна уч нарсани айтаман(қисқа пауза),кулоқларингизга олиб(қисқа пауза),Эсларингиздан чиқарманглар( пауза): тўғри бўлинг -( пауза) бехавотир бўласиз( пауза).Мақтанчоқ бўлманг-( пауза) уятга қолмайсиз( пауза).Бундан бошқасини энди ўзингиз билинг( пауза). Қора тойни(қисқа пауза), саман тойни(қисқа пауза), кўк тойни асбоблари билан тайёрлаб қўйдим (пауза).Хуржунларингизни бир ҳафталик овқат билан тўлғиздим (пауза).Бахтингиз йўлда (қисқа пауза),уни топиб олмоқ учун сафарга чиқингиз(қисқа пауза),дунёни танимай (қисқа пауза),дунё кишиси бўлмайсиз(қисқа пауза). Бахт қушини ушламоқ учун (қисқа пауза) баҳт овига чиқинглар ( пауза). Хайр энди(қисқа пауза),ўғилларим,-деб сўзини тамом қилибди( пауза)”.

Бу матнда меҳрибон отанинг-қариянинг севимли фарзандларига қилаётган насиҳати сезилиб туриши керак. Ота сўзидағи яроқ ушлашни ўргатдим,қўрқитмай ўстирдим, тўғри бўлинг,мақтанчоқ бўлманг, қора тойни,саман тойни, кўк тойни каби сўзлар худди юқорида кўрсатилгандек, алоҳида таъкидлаб ,урғу бериб ўқилса эртак ғоявий мазмунининг тингловчи қалбига бориб етиши осонлашади.

Хозирги даврда яъни 21 аср фан ва техниканинг ривожланган даврида техника орқали инсон овозини ҳар-хил турларга ўзгартириши мумкин,шунингдек ифодали ўқиши ҳар-хил техник воситалар орқали амалга ошириш мумкин.Масалан: аллани, эртакни, яхши кўрадиган шеър ёки қўшиқни телефонга, дискка ёздириб олиб, ўzlари, болалари, невараларига эшиттириш урфга кирган. Катталар ҳам болалар ҳам шунга ўрганишган, бу яхши албатта, лекин ҳамма нарсанинг табиий бўлгани инсон учун

фойдалидир. Онанинг аллани жонли ижро этиши ҳар қандай кишини сехрлаб қўйади, эртакларни китобдан ўқиб бериш болаларга бошқача таъсир қиласди.

Хулоса қилиб айтганда, ифодали ўқиш санъатининг болалар боғчасидан бошлаб, олий ўқув юртларигача ўқув дастурига киритилиб, мустаҳкам ўрин эгаллаганлиги, фаннинг бу соҳасига оид турли қўлланмалар яратилганлиги, ифодали ўқиш санъатига бўлган этиборнинг ёрқин намунаси бўла олади.

Ҳикоя эпик турнинг кичик жанри бўлиб, киши ҳаётидаги маълум бир воқеани тасвирлайди, аммо шу воқеага қадар бўлган ва ундан кейин рўй берадиган воқеаларни батафсил баён этмайди. Ҳикояда қаҳрамон ҳаётидан кичик бир эпизодни олиб, унда ҳаётнинг муҳим, типик кўриниши ихчам шаклда тасвирланади.

Ҳикояда муаллиф нутқи, табиат тасвири, диологлар ҳамда қаҳрамоннинг ички кечинмаларини пухта ўрганиши ва уни тингловчига тушунарли тарзда етказа олиши лозим.

Қўйида Абдулла Қаҳхорнинг “Анор” ҳикоясининг ўқилишини намуна сифатида кўриб чиқамиз.

Туробжон эшигидан ҳовлиқиб кирап экан(қисқа пауза), қалами яктагининг енги зулфинга илиниб тирсаккача йиртилди( пауза). Унинг шашти қайтди( пауза). Жўхори туяётган хотини(қисқа пауза), унинг қўлидаги тугунчани кўриб (қисқа пауза), келисопни келининг устига қўя чопди (пауза). Кели лапанглаб ағнади(қисқа пауза), чала туйилган жўхори ерга тўкилди(қисқа пауза).

Туробжон тугунчани орқасига бекитиб(қисқа пауза), тегишли:

-Ақажон, дегин! (қисқа пауза),

-Ақажон(қисқа пауза),! Жо-он ака! .... ( пауза).

-Нима берасан? (қисқа пауза),

-Умримнинг ярмини бераман! ( пауза)

Туробжон тугунчани берди. (қисқа пауза).Хотини шу ернинг ўзида(қисқа пауза), эшик олдида ўтириб тугунчани очди-да(қисқа пауза), бирдан бўшашиб кетди ва секин бошини кўтариб эрига қаради(қисқа пауза).Ўз қилмишига гердайиб турган Туробжон(қисқа пауза), кўзида жиққа ёш кўриб:

- Нима эканини билдингми?-деди(қисқа пауза). –Асаларининг уяси! (қисқа пауза).Турган – битгани асал! (қисқа пауза).Мана,мана, сиқсанг асал оқади. ( пауза).Буниси оқ мум(қисқа пауза),ҳаром эмас – шимса ҳам бўлади(қисқа пауза),чайнаса ҳам бўлади(қисқа пауза).

Шу тариқа ҳикояни давом эттириб ўқиши мақсаддага мувофиқдир.

Ҳар қандай бадиий асарни ўқиётганда аввало ўзи ва атрофдаги тингловчиларга мазмун моҳияти етиб бориши керак.

Фойдаланилган адабиётлар.

1.Маллаев Н.М. Ўзбек адабиёти тарихи.

”Ўқитувчи” нашртёти. Тошкент. 1993йил.

2. А.Қаҳхор. Анор. Faфур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. Тошкент – 2012.

3. Қ.Орипов, (қисқа пауза), М.Обидова. Ифодали ўқиши. ”Ўқитувчи” нашртёти. Тошкент. 1992йил.

4. Ўзбек халқ оғзаки ижоди. 1992 йил